

ҲАСАН ЭРҒАШ

ТАРАДДУД
ШЕЪРААР



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

Тошкент
2012

УДК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ўзб)7

Э - 99

Уш араб

Эргаш, Ҳасан. Тараддуд : Шеърлар. Янги аср авлоди, 2012, -48 б.

ISBN 978-9943-08-922-8

Илҳом билан ёзилган асаргина китобхон кўнглига етиб боради.

Ҳасан Эргаш шеърлари мушоҳадага бойлиги, дардли туйғулари билан ўқувчини ўзига ошно этади.

Ёш шоирнинг илк китобидан ўрин олган манзумалар ўз мухлисини топади, деган умиддамиз.

УДК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ўзб)7

Масъул муҳаррир
ЯҲЁ ТОҒА

HD 40537
1

ISBN 978-9943-08-922-8

© Ҳ.Эргаш, «Тараддуд» Янги аср авлоди, 2012

Йил.

2012/201	Alisher Navoiy
А.	nomidagi
12325	O'zbekiston MK

ОНАЖОНИМ

Ёр дардимни туймади,
Мен суйдим, у суймади.
Доғимда, онажоним,
Ҳеч ким сиздек куймади.

Унинг учун чекдим ғам,
Дўст етмади қадримга.
Ёлғиз онажонгинам
Шерик бўлди дардимга.

Шур эканми манглайим,
Отам ... қаттиққўл эди...
Шеър йўлини танладим,
Бир онам, – Оқ йўл! – деди.

Тотдим гул тиканини,
Кўксим нишон ўқларга.
Лекин онам шаънини,
Кўтаргайман кўкларга.

ЖИГАРИМ

Кимлар туртмади бизни, кимлар кутмади,
Дарду ноламизни, оҳ, ер ҳам ютмади.
Шукур-ки Худойим бизни унутмади,
Мусофирлик хайлида юрган жигарим.

Ортимиздан тошлар отди, гоҳи, бошга,
Биз отмадик кўзимиз тўлса ҳам ёшга,
Ўйиб-ўйиб ёзгим келар ҳар бир тошга,
Мусофирлик хайлида юрган жигарим.

Шукур қилдик кун келса қотган нонларга,
Раҳматлар деймиз яна ўша онларга,
Мана бугун улғайиб кирдик сонларга,
Мусофирлик хайлида юрган жигарим.

Не-не оғир кунларга кўзларни юмдик,
Чуғурчүкдек уч фарзанд улғайиб ундик,
Ерга эмас, қалбларга иморат қурдик,
Мусофирлик хайлида юрган жигарим.

Меҳнатларимни ер билсин, осмон билсин,
Ортимизда қолган қийин замон билсин,
Билсин, яна биз турган Оққўрғон билсин,
Мусофирлик хайлида юрган жигарим.

СЕВАСАНМИ АЙТ

Замонлар айланиб қаддимни эгса,
Мени ўшанда ҳам севасанми, айт?!
Нодонлар отган тош бошимга тегса,
Мени ўшанда ҳам севасанми, айт?!
SEVAZ

Яхши-ёмон кунлар айланса бошда,
Кипригинг дор бўлса бир томчи ёшга...
Суянч бўлолмасам сен қаламқошга,
Мени ўшанда ҳам севасанми, айт?!
SEVAZ

Кўкда парвоз қилсам, куйса қанотим,
Садқай сар кетса бор-йўқ бисотим...
Эл аро ёмонга чиқса, гар, отим,
Мени ўшанда ҳам севасанми айт?!
SEVAZ

Отам йўқлигини ёдга солсалар,
Пана-пастқамларда қулиб қолсалар...
Кимнингдир хунини биздан олсалар,
Мени ўшанда ҳам севасанми айт?!

Қўлимни узатсам, келасанми, айт,
Мен томон шамолдай еласанми, айт?!
Сочларим оқарса, шаштларим синса,
Мени ўшанда ҳам севасанми, айт?!

ОНАЖОНИМ, ЙИҒЛАМАНГ

Дунё бўлиб бағри тош,
Кўрдим кўзингизда ёш,
Пойингизга қўяй бош,
Онажоним, йиғламанг,
Жонажоним, йиғламанг.

Нозик юракни ғашлаб,
Ким қўйди сизни ташлаб,
Кўзларингизни ёшлаб,
Онажоним, йиғламанг,
Жонажоним, йиғламанг.

Бизлар бахтли бўламиз,
Қувончларга тўламиз,
Ҳали тўйлар қиламиз,
Онажоним, йиғламанг,
Жонажоним, йиғламанг.

ОЛАМ БИЛИБ ҚЎЙСИН

Дунё ишларига ақлим етмади,
Кўзёшларим келиб қайтиб кетмади,
Кўзёшларим артиб йиғлади онам,
Билиб қўйсин буни жамики олам.

Емай-ичмай бизни ўстирди ҳалол,
Бундай матонатдан ҳамма қолди лол.
Ота йўриғин ҳам тутдилар онам,
Билиб қўйсин буни жамики олам.

Хиёнатни кўриб ҳайрон кўзларим,
Дўсту ёрга ёқмас тўғри сўзларим.
Отамга хиёнат қилмади онам,
Билиб қўйсин буни жамики олам.

Аллоҳга беадад шукурлар бўлсин,
Ҳар кимсанинг умри маънога тўлсин.
Мени шоир қилиб ўстирди онам,
Билиб қўйсин буни жамики олам.

КЎЗЛАРДА ЁШ

Кўча совуқ, қор ёғар,
Икки кўзим онамда.
Онам ҳовлида йиғлар,
Мен йиғлардим хонамда.

Ёш сизилар яноқда,
Она, пинҳон йиғлармиз.
У ёқда сиз, бу ёқда
Икки ўғил, битта қиз.

Қайсидир нобакордан
Олинмаган хунми бу?
Биз отадан, сиз ёрдан
Жудо бўлган кунми бу?

ЯХШИ

Кўшиқ

Дориломон замонда
Даврон сурганинг яхши.
Эш бўлганча ёмонга
Ёлғиз юрганинг яхши.

Нокас тутса йўлингни,
Наҳс босса ўнг-сўлингни...
Қовуштириб қўлингни
Четда турганинг яхши.

Мол ташиб дала-қирдан,
Бой бўлиб кетсанг бирдан...
Қалдирғочсиз қасрдан
Кулба қурганинг яхши.

Заҳар айлама ошни,
Хор этма қари-ёшни.
Кеккайганча бу бошни
Тошга урганинг яхши.

СЎРАРДИМ

Омад яна кучганида,
Ёшлигимни сўрардим.
Кўкда юдуз учганида,
Ёшлигимни сўрардим.

Сочлар эди тим қора,
Оқарди бора-бора.
Бўлса эди бир чора,
Ёшлигимни сўрардим.

Қувват қолмаса танда,
Хизр бувам келганда,
Дуони қилмай канда,
Ёшлигимни сўрардим.

Эслаб биру боримни,
Айтардим дил зоримни.
Юртга бериб боримни,
Ёшлигимни сўрардим.

Омад яна қучганида,
Ёшлигимни сўрардим.
Кўкда юлдуз учганида,
Ёшлигимни сўрардим.

БАЪЗАН

Тўрттагина сочимни
Юлгим келади баъзан.
Айбдор тутай кимни,
Кулгим келади баъзан.

Дунё гоҳ кенг, гоҳ тор,
Ўзинг қўлла, ё жаббор.
Одамга нима душвор,
Билгим келади баъзан.

Роҳат кўрарми онам,
Кенгаярми тор хонам,
Дунёда энг бой одам,
Бўлгим келади баъзан.

Зиён-заҳматни кўрмай,
Сохта роҳатни кўрмай,
Аччиқ туҳматни кўрмай,
Ўлгим келади баъзан.

КЕЧИР

Қўшиқ

Сўйламадим бир ширин сўз,
Кечир, жоним, меҳрибоним.
Оҳ шакар лаб, воҳ қорақўз,
Кечир жоним, меҳрибоним.

Бир бор назарга илмадим,
Айланмадим, ўргилмадим.
Чиндан севишинг билмадим,
Кечир жоним, меҳрибоним.

Қанча суйсам, сийласам – кам,
Ёстигинг ҳеч бўлмасин нам.
Мен шўртликни кеч бўлса ҳам,
Кечир жоним, меҳрибоним.

Ўзим оқлай бир имкон бер,
Гувоҳ бўлсин осмону ер.
Дил қурғур фақат сени дер,
Кечир жоним, меҳрибоним.

РАҲМИМ КЕЛАДИ

Хўп юрдинг, ҳаммани ўзингдай билиб,
Нима топдинг юрак яхшилиқ қилиб,
Улар аямасдан кетишди шилиб,
Юраккинам, сенга раҳмим келади.

Ота меҳрига ҳам бир оз тўймадинг,
Ўзга бир юракни ҳеч ҳам ўймадинг,
Кўргим келса сени қараб қўймадинг,
Юраккинам, сенга раҳмим келади.

Кўча-қўйда бари қилар масхара,
Тинмай ёғиб турган бўлса ҳам жала,
Гар ёрилсанг торлик қилар кенг дала,
Юраккинам, сенга раҳмим келади.

Меҳр излаб-излаб тополмадинг ҳеч,
Отганида саҳар, тушганида кеч.
Ё Аллоҳим, ўзинг тугунини еч,
Юраккинам, сенга раҳмим келади.

БЎЛМАСИН

Ҳеч бир кимса нафсига қул бўлмасин,
Подшо бўлсин-у асло қул бўлмасин,
Дунё ичларида музламай қалби, ♦
Оташ бўлиб ёнсин-у, қул бўлмасин.

Ёмонни чақувчи ёмони бўлсин,
Армон деган сўз – армони бўлсин,
Олисдан келгувчи қарвони бўлсин,
Фақат дарду ноласи пул бўлмасин.

Бу дунё бир эртак, бордур охири,
Бир кун келиб умринг очилар сири,
Кирланса кетар тез қўйлакнинг кири,
Аччиқ ёшланиб кўзинг ҳўл бўлмасин.

ДУНЁ

Кимга жаннат, кимларга дўзахдур дунё,
Кимга яқин, кимларга узоқдур дунё.
Эҳ, пасту баланд бу ҳаёт йўлларимиз,
Кимга очиқ, кимларга тузоқдур дунё.

Ким ишқдан воз кечиб шум бойликка боққан,
Кимга ким ёқмаган-у кимга ким ёққан,
Қорни очлар четда қолиб, қорни тўққа
Кимнинг меҳри булоқ бўлиб оққан.

Кимнинг уйида шаму кимдадур чироқ,
Кимга яқин сўзлари кимгадур йироқ,
Майли қўй, бу дунёни ўз йўлига, эҳ,
Севгим, ҳеч қачон бўлмасин фироқ.

ДАРДДОШИМ

Тошга текканда бошим,
Онам бўлди дарддошим.
Дарё бўлганда ёшим,
Онам бўлди дарддошим.

Катта-кичикни сизлаб,
Кўп адашдим дўст излаб.

Алам келганда гизлаб,
Онам бўлди дарддошим.

Юрарман кўкрак кериб,
Болам, деб, меҳри эриб,
Ширмой кулчалар бериб,
Онам бўлди дарддошим.

Йиқилсам, бошим силаб,
Қовоғим, қошим силаб,
Худодан умр тилаб,
Онам бўлди дарддошим.

Тикан кирса кўлимга,
Боқмай куруқ-хўлимга,
Чопиб чиқиб йўлимга,
Онам бўлди дарддошим.

Гоҳ юрмай қолса қалам,
Мен билан чекиб алам,
Кўзларига олиб нам,
Онам бўлди дарддошим.

Онам...

Онажонгинам...

	Alisher Navoiy
2012/201	nomidagi
A	Uzbekiston MK
12325	

ТУНДА МЕҲНАТГА ЧИҚҚАН ЎҒРИЛАР

Бири истар ойни, бири юлдузни,
Бири кутса тунни, бири кундузни,
Бир кун ерга қаратасан бу юзни,
Кундузи атрофда гўё тўғрилар,
Тунда ичкарига кирган ўғрилар.

Бу осон меҳнатни кимдан ўргандинг,
Бу озор меҳнатни кимдан ўргандинг,
Ким тиклайди айт, гар эгилса қаддинг,
Кундузи атрофда гўё тўғрилар,
Тунда ичкарига кирган ўғрилар.

Томоғингдан ўтдими еган нонинг,
Тез ҳазм қилдингми қийналмай жонинг,
Бироқ хазон бўлмоқда кулдек онинг,
Кундузи атрофда гўё тўғрилар,
Тунда ичкарига кирган ўғрилар.

Бир-бирига қовушмайди сўзларинг,
Олма санаб қолган икки кўзларинг,
Дўзах томон кетаётган ўзларинг,
Тунда ичкарига кирган ўғрилар,
Кундузи атрофда гўё тўғрилар.

* * *

Минг тебратай қалам,
Мен шоир эмасман.
Олдим қоғоздан алам,
Мен шоир эмасман.

Айтай, дунёни қанча,
Пасту баланди анча.
Тебранар бир қаламча
Мен шоир эмасман.

Кимлигим билган онам,
Дуолар қилган онам.
Эй, бағри кенг тор хонам,
Мен шоир эмасман.

Ранжитдими, гоҳ, сўзим,
Ё термулган бу кўзим.
Айбдор бўлган ўзим,
Мен шоир эмасман.

* * *

Ҳар кимнинг оyi бўлсин,
Қозонда мойи бўлсин.
Тенглар ичра ҳамиша
Халқимнинг жойи бўлсин.

Бериб тақдирга бардош,
Бахтли бўлиб икки ёш.
Дуолар ила еб ош,
Халқимнинг жойи бўлсин.

Ҳеч кимдан кам бўлмасин,
Кўзлари нам бўлмасин.
Тўй кўрсин, гам кўрмасин,
Халқимнинг жойи бўлсин.

Туилар муборак, она,
Биз учун сиз бир дона.
Танда урган бу жона,
Халқимнинг жойи бўлсин.

Табрик сўзларин сўзланг,
Икки ёш бахтга тўлсин.
Ўйнанг дўстларим, ўйнанг,
Халқимнинг жойи бўлсин.

* * *

Бу савлатимни аста
Кучганлар ҳам кўп бўлди.
Қушлар каби бирпасда,
Учганлар ҳам кўп бўлди.

Бир тошдай қотишимни,
Ерларга ботишимни,
Юришмас ётишимни,
Кутганлар ҳам кўп бўлди.

Бўйнимга занжир илиб,
Содда қалбимни тилиб,
Давлатсизлигим билиб,
Тутганлар ҳам кўп бўлди.

Шароб тутиб қўлимга,
Юзланиб гоҳ ўлимга,
Ниш-тиканлар йўлимга,
Сочганлар ҳам кўп бўлди.

Кечаю кундуз куйлаб,
Бахтдан сўзлади сўйлаб.
Баъзан ўзини ўйлаб
Қочганлар ҳам кўп бўлди.

Турфа гуллар очилса,
Юлганлар ҳам кўп бўлди.
Хандон отиб устимдан,
Кулганлар ҳам кўп бўлди.

* * *

Юраклар яйраб кетар,
Куй бўлса, қўшиқ бўлса.
Булбуллар сайраб кетар,
Куй бўлса, қўшиқ бўлса.

Тинглаб ором оламиз,
Баъзан кўз ёш қиламиз.
Кексамас, ёш боламиз,
Куй бўлса, қўшиқ бўлса.

БАРДОШИМ

Оз кўрдим мардни, кўп кўрдим номард,
Кун келса жигар деб эгилди қомат.
Яқинлашиб душман, дўст узоқлашди,
Икки елкам узра кетганда омад.

Савоб қилиб балога қолди бошим,
Давраларда ейилмай қолди ошим.
Ош-ку майли, омон бўлса гар бу бош,
Яхши кун кўрарман етса бардошим.

ОНАЖОН

Тўғри йўлдан туртилдим,
Бориб тошга урилдим,
Бир чеккага сурилдим,
Ярашмади, Онажон.

Кўзимга ёшлар солсам,
Бир ўзим ёлғиз қолсам,
Қўлимга қоғоз олсам,
Ярашмади, Онажон.

Соддалигим бошимга,
Тошлар солди ошимга,
Кимдир келса қошимга,
Ярашмади, Онажон.

Улар деб ўлай дедим,
Азобга чўмай дедим,
Бағри тош бўлай дедим,
Ярашмади, Онажон.

ШУКУР

Бу дунёни кўз ила кўрганимга шукур,
Озми кўп даври даврон сурганимга шукур.
Катта-кичик тошларга ҳам кўп бор қоқилдим,
Тиклаб ўзимни яна юрганимга шукур.

Эй дўстим, ўткир-ўтмас тишларидан ҳам
ўтиб,
Дунёнинг офир-енгил ишларидан ҳам ўтиб,
Иссиқ ёзу совуқ қишларидан ҳам ўтиб,
Бу кунларга соғ-омон келганимга шукур.

СУЙМАСАНГ ҲАМ

Суймасанг ҳам суйкалиб,
Сени роса қийнадим.
Бир кун келиб мен йиғлаб,
Қолишимни билмадим.

Қарши чиқиб тақдирга,
Билмай роса курашдим.
Ўзим суймаган қизла
Севги билан сўрашдим.

Кет, кўзимга кўринма,
Бахтим билан турибман.
Ҳеч алдашга уринма,
Мен бахтиёр юрибман.

ШАРОБ

Дўстим чиқиб йўлимдан,
Тортиб кетди қўлимдан.
Энди онамга ким бўлай,
Шароб ичмай мен ўлай.

Ишлар кетар тескари,
Ширин хаёллар бари,
Ёр юрар мендан нари,
Шароб ичмай мен ўлай.

Қўлга олиб сўнг ютдим,
Бу дунёни унутдим.
Ўзим-ўзимни кутдим,
Шароб ичмай мен ўлай.

Менга нима етмасди,
Омад мендан кетмасди.
Юзим қалин бетмасди,
Шароб ичмай мен ўлай.

Кўча-кўйда тош териб,
Дўсту душманга эриб,
Ўз нафсимга йўл бериб,
Шароб ичмай мен ўлай.

Айлантириб бошимни,
Сўндириб қуёшимни,
Тўктириб кўз ёшимни,
Шароб ичмай мен ўлай.

Шароб ичиб вой бўлдим,
Осмондаги ой бўлдим.
Кўзим очсам лой бўлдим,
Шароб ичмай мен ўлай.

Қайнаб кетди бирдан қон,
Бошқаролмадим шу он,
Афсусдаман, хотинжон,
Шароб ичмай мен ўлай.

НЕГА

Нега бугун ғамгинсан,
Кўздан ёш қуйилдими?
Минг бор сўрасам жимсан,
Қовоғинг уйилдими?

Ким ранжитди дилингни,
Шерик бўлай дардингга.
Сўндирма умидингни,
Мен етаман қадрингга.

Дунё ўзи ранг-баранг
Ранг танлашга ожиз кўз.
Очмоқ учун қалб яранг,
Етар тоқат, ширин сўз.

Маили, гулим, сўлма ҳеч,
Сўлиб кетсин армонлар.
Ўйла мени эрта-кеч,
Бўлай сенга дармонлар.

Истамайман оғриқни,
Ўзимга, ўзингга ҳам,
Бутун дунё шодликдир,
Келмасин кўзингга нам.

* * *

Дўстларимга чин содиқ дўст бўлдим,
дўст бўлдим,
Ёрга содиқ чин ошиқ кўз бўлдим,
кўз бўлдим.

Булбул овоз ширин бир сўз ўлдим,
сўз бўлдим,
Шоир бўлиб онамга ўғил бўлолмадим.

Боғларида бир гул бўлсам, қолмасдим
сўлиб,
Омад кулиб юрар эдим бахтларга тўлиб,
Парвоз қилиб ўткир кўзли лочин ҳам бўлиб,
Олдимдаги меҳрибонимни кўролмадим.

Мен шўрликни кута-кута кўзлари толди,
Тўлиб-тўлиб сўнгра кўзга ёшлар ҳам олди,
Фарзанд деган номим айтинг, қайларда
қолди,
Суратлари икки кўлимда тўёлмадим.

Қўл силтайман бу дунёнинг зебу зарига,
Ўлиб ҳам киролмайман бу замин қаърига,
Худойимдан бахт-саодат сўраб барига,
Меҳмон оним бир аҳвол сўролмадим.

Бешик қучган пойингизга қўйсайдим қани,
Такрор-такрор онажон деб айтсайдим
қани...

ЎЙЛАМАНГ...

Мени кўрганда бой деб ўйламанг,
Бир осмони бор ой деб ўйламанг.
Бироз соддароқман, сал оддийроқ,
Ва юрган йўли лой деб ўйламанг.

Билмам қанча қолар бу кўзлар нам,
Дардларим кўп-у дардлашгувчи кам.
Бир қанот ила кўкка учсам ҳам,
Унинг аҳволи вой деб ўйламанг.

Илҳом баъзан келиб, баъзан келмас,
Ҳақиқий шоир шоирман демас,
Манманликмас бу, камтарлик эмас,
Шеърлари анҳор-сой деб ўйламанг.

Юрсам-да чарчоқ кўзимни ёшлаб,
Баъзи дилларни қўйсамда ғашлаб,
Ҳасан ғуруру орини ташлаб,
Кетди, ҳойнаҳой, деб ўйламанг.

ЙИҒЛАМА

Йўлларимда қай гуллар сўлди, йиғлама,
Йиғларга бир бўғзим тўлди, йиғлама.
Сифдирасан дунёни жажжи бўлсанг ҳам,
Қўй уларни юрагим, бўлди йиғлама.

Кучай дейсан осмонни, осмон кучарми,
Учай дейсан самога, юрак учарми,
Қай эшикка учрасанг эшик кўчарми,
Қўй уларни юрагим, бўлди йиғлама.

Яхшилар бор дунёда йиғлаб нетасан,
Ниятлар қилавер бир кун етасан.
Мени ёлғиз ташлаб эҳ, қайга кетасан,
Қўй уларни юрагим, бўлди йиғлама.

ДАДА

То онам бор – гүзал боғларим,
Сиз йўқсиз, йўқ баланд тоғларим,
Кулиб ўтар ёшлик чоғларим,
Дунёсидан бўлдим-ку зада,
Нега ташлаб кетдингиз, дада?!

Етим деб мендан нари юрди,
Ҳар йўлимда тузоқлар қурди,
Йиқилсам зўр устимдан кулди,
Кулги бўлиб бўлдим-ку зада,
Нега ташлаб кетдингиз, дада?!

Яхшилик қилиб ёмон кўриндим,
Яхши ном олишга уриндим,
Давраларда четда суриндим,
Сургунарлардан бўлдим-ку зада,
Нега ташлаб кетдингиз, дада?!

Майли, бўлманг эди бой ота,
Кетган жойингиз қай жой, ота,
Тошлар оёққа ботар фақат,
Юришга ҳам бўлдим-ку зада,
Нега ташлаб кетдингиз, дада?!

* * *

Кетдинг қай боғни кўзлаб,
Қайтишингни лоф сўзлаб,
Қолдим-ку мен эҳ, бўзлаб,
Сен келмадинг, севгилим.

Бир кун ўтар минг кундай,
Тонгги олмос бир кундай,
Ўтар ёшлик бир зумдай,
Сен келмадинг, севгилим.

Келар қанча гўзаллар,
Бир-биридан ўзарлар,
Тутмадим зебу зарлар,
Сен келмадинг, севгилим.

Шамолларга эргашиб,
Булутларга чирмашиб,
Ёмғир билан бирлашиб,
Сен келмадинг, севгилим.

Типирчилар митти жон,
Митти бўлса ҳам вайрон,
Сен-ла кетди ширин он,
Сен келмадинг севгилим.

ЕТИМЛАР

Ким тирноққа зор, ким фарзанддан толган,
Қанча-қанча болалар термулиб қолган,
Қай бағри тош экан бу кўйга солган,
Етимлар нидоси йиғлатар мени.

Кўздаги ёшини силагим келар,
Қўлимда бошини силагим келар,
Жажжи гўдакни ҳам сизлагим келар,
Етимлар нидоси йиғлатар мени.

Дераза ортида йиғлайди ҳануз,
Улар учун тўрт фасл ҳам куз,
Уларни йиғлатиб куларкан даюс,
Етимлар нидоси йиғлатар мени.

ТЎРТЛИКЛАР

Гоҳида шоҳ, гоҳида гадо бўлдим,
Гоҳи бор, гоҳида йўқ, адо бўлдим,
Бу дунёнинг турли синовларидан,
Гоҳида сас, гоҳида садо бўлдим.

Хаёлимдан узоқ ҳаёт йўллари,
Бир очиқ, бир тузоқ ҳаёт йўллари,
Охири кўринмас югурган сари,
Бир қора бирда оқ ҳаёт йўллари.

Дунёда озми-кўп яшаб қўямиз,
Гоҳ арқонни узун ташлаб қўямиз,
Бир инсон кўнгилни кўтараман деб,
Ўзга бир кўнгилни ғашлаб қўямиз.

Боғимда очилган лоладан салом,
Дилимда сочилган ноладан салом,
Бир савоб кетидан югуриб юрган,
Сўнгра минг гуноҳкор боладан салом.

Кўп тикилган кўз ёмон,
Кўп айтилган сўз ёмон,
Тўғри бўлгин хоҳ ўғри,
Инсоф билан қол омон.

* * *

Дўст-душман ўтар бағримни ўйиб,
Турфа аламлар кўксимга қўйиб.
Сувларга отсам оқсайди қани,
Йиғлаяпман-ку, йиғларман тўйиб.

Чақимча қушлар қўнар қошимга,
Кўзлар теккизиб гўштсиз ошимга.
Ярашмаса-да йигит бошимга
Йиғлаяпман-ку, йиғларман тўйиб.

Ҳали очилмай келмайди сўнгим,
Баланд тоғларга келаро қўнгим.
Билмай қолдим мен тушимми ўнгим,
Йиғлаяпман-ку йиғларман тўйиб.

Йиқилсам тўғри туриб қоларман,
Яна йўлимдан юриб қоларман.
Эртами-индин кулиб қоларман,
Йиғлаяпман-ку, йиғларман тўйиб.

Мени кўрсангиз, ғами йўқ, деманг,
Бирон инсондан ками йўқ, деманг.
Дунё ишидан кўнгли тўқ, деманг,
Йиғлаяпман-ку, йиғларман тўйиб.

КЕТАМАН

Туртманглар бир жойда ўтирсам ногоҳ,
Мен ҳам бу жойлардан туриб кетаман.
Босган изларим гар бўлмаса гуноҳ,
Тўрт оёқсиз ўзим юриб кетаман.

Менинг кўз ёшларим ёмғирдир бари,
Бироқ, қуёш каби кулиб кетаман.
Йўлим узоқлашар борганим сари,
Бир очилиб гулдай сўлиб кетаман.

Майли, ранжитинг бир бечора дилни,
Барча сўзингизни солиб кетаман.
Қанча дардингиз бор сайратинг тилни,
Уларни ҳам қўшиб олиб кетаман.

Тўйдирмасангиз ҳам мени дунёдан,
Савоб-гуноҳларга тўлиб кетаман.
Ҳайдамасангиз ҳам мени дунёдан,
Сал сабр қилсангиз, ўлиб кетаман.

БИР КУН...

Яҳё Тоғага

Дунё ишларидан бир кун толарман,
Қайноқ сўзларимни дилга соларман.
Ёмон десалар гар, майли ёмонман,
Бир кун яхши одам бўлиб қоларман.

Дил боғимда гулим сўлмасдан олдин,
Ичим заҳарларга тўлмасдан олдин.
Балки кейин, балки ўлмасдан олдин,
Бир кун яхши одам бўлиб қоларман.

Она, юрагимга шеърлар келяпти,
Лекин нималардир халақит беряпти.
Қўлим сочларимни бир-бир теряпти,
Бир кун яхши одам бўлиб қоларман.

Бир гулим очилса, тез ўр дейишди,
Минг бор ёмонлаб ҳам, лек зўр дейишди.
Салгина ичсам мен майхўр дейишди,
Бир кун яхши одам бўлиб қоларман.

Кулсам ишонманглар, юзлари хўлман,
Денгиз ҳам эмасман кичкина кўлман.
Тошдай қаттиқмасман, мен очиқкўлман,
Бир кун яхши одам бўлиб қоларман.

Кимга дардим айтай, тўқми ё очга,
Йиллар ўтган сайин оқ тушар сочга.
Мен ҳавас қиларман бир қадирғочга,
Бир кун яхши одам бўлиб қоларман.

МУНДАРИЖА

Онажоним	3
Жигарим	4
Севасанми айт	5
Онажоним, йиғламанг	6
Олам билиб қўйсин	7
Кўзларда ёш	8
Яхши	9
Ўзимга-ўзим	10
Сўрардим	11
Баъзан	12
Кечир	13
Раҳмим келди	14
Бўлмасин	15
Дунё	16
Дарддошим	16
Тунда меҳнатга чиққан ўғрилар	18
•Минг тебратай...»	19
•Ҳар кимнинг ойи...»	20
•Бу савлатимни аста...»	21
•Юраклар...»	22
Бардошим	22
Онажон	23
Шукур	24
Суймасанг ҳам	24
Шароб	25
Нега	27
•Дстларимга...»	28
Ўйламанг...	29
Йиғлама	30
Дада	31
•Кетдинг қай боғни...»	32
Етимлар	33
Тўртликлар	33
•Дўст-душман ўтар...»	35
Кетаман	36
Бир кун...	37

2500 сун

Адабий-бадиий нашр

ҲАСАН ЭРҒАШ

ТАРАДДУД

Шеърлар

Муҳаррир: Гавҳар МИРЗАЕВА
Бадиий муҳаррир: Уйғун СОЛИҲОВ
Компьютерда саҳифаловчи: Феруза БОТИРОВА

Босишга 4.12.2012 й.да рухсат этилди.

Бичими 60x84 1\32.

Босма тобоғи 1,25. Шартли босма тобоғи 1,16.

Гарнитура «Bookman Cyr+Uzb». Офсет қороз.

Адади 500 нусха. Буюртма № 272.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

Лицензия рақами:

АИ № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.

«Ёшлар матбуоти» босмаҳонасида босилди.

100113. Ташкент, Чилонзор-8.

Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими - 278-36-89;

Маркетинг бўлими - 128-78-43

факс - 273-00-14; web-сайтими: www.yangiasr.uz

интернет-дўкон: www.yangidavr.uz e-mail:

info@yangiasr.uz